



**QASHQADARYO VILOYATI
MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING
QARORI**

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks-652-14-65, 652-19-48

2021 - yil 26 - may

182-4-63-Q/21

Mirishkor tumani hokimiyati

**Миришкор туман Помук МФЙ худудидаги захира ерларидан фуқаро Баротов
Жаҳонгир Ислом ўғлига фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини узоқ
муддатли ижарага бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 53 моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 24-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хulosасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1 Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хulosасини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро **Баротов Жаҳонгир Ислом ўғли** боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокимлиги захира ерларидан Помук массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 345қ-контурида жойлашган жами 5.0 гектар шундан 5.0 гектар яйлов ер майдонлари 49 йил муддатга ижарага берилсин.

3. “Жаҳонгир араб ифтихори” фермер хўжалиги раҳбари **Баротов Жаҳонгир Ислом ўғли**га ер участкасига бўлган кадастр йиғма жилдларини шакллантириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш (*Давлат хизматлари маркази орқали буюртманомага асосан*), ер участкасидан белгиланган мақсадли ва самарали фойдаланишини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Миришкор туман бўлими (Б.Хосиятов) ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланишини доимий назорат қилиб борсин.

5. Кадастр палатаси Миришкор туман филиали (А.Қаххоров) ажратилган фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгиласин ҳамда давлат ер кадастри ҳисботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

6. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Ж.Абдиназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев